


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2020 ЙИЛ – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2020 йил 22 декабрь, № 269 (7771) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 декабрь куни Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Суҳбат аввалида Туркманистон Президенти давлатимиз раҳбарини мамлакатимиз МДҲга самарали раислик қилгани ва Ҳамдўстлик саммитини муваффақиятли ўтказгани билан самимий табриклади.

Жаҳон иқтисодиётидаги инқирозли ҳолатлар кучайиши ва коронавирус инфекцияси тарқалиши билан боғлиқ мураккаб шароитда Ўзбекистон Ҳамдўстликка раислик концепциясини тўлиқ рўёбга чиқаришга ҳамда кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш бўйича муҳим ташаббусларни амалга оширишга муваффақ бўлгани алоҳида таъкидланди.

Президентлар икки мамлакат ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларида юксак даражага эришилганини катта мамнуният билан қайд этдилар.

Пандемия оқибатларига қарамай, савдо алоқалари ривожланмоқда, иқтисодиёт тармоқларида, энергетика, транспорт ва логистика соҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкорлик чуқурлашиб, гуманитар алмашинувлар кенгайиб бормоқда.

Давлат раҳбарлари саноат кооперацияси бўйича янги лойиҳаларни илгари суриш учун Ҳукуматлараро қўшма комиссия ишини фаоллаштириш лозимлигини таъкидладилар.

Маданият, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги фаол мулоқотларни давом эттиришга, бунда икки халқ таниқли санъат ва фан арбобларининг кенг иштирокида мамлакатларимизда қўшма тадбир ва форумлар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Давлатимиз раҳбари Туркманистон Президентининг Халқаро тинчлик ва ишонч йили доирасида юқори даражадаги Ашхобод конференциясини ўтказиш ташаббусини қўллаб-қувватлади. Бўлажак тадбирда Ўзбекистон Республикасининг делегацияси иштирок этиши тўғрисида келишувга эришилди.

Суҳбат якунида Президентлар кириб келаётган Янги йил билан бир-бирларини самимий қутлаб, мамлакатларимизнинг қардош халқларига тинчлик, фаровонлик ва равнақ тиладилар.

**ЎзА.**




## ЮРТ ОБОДЛИГИ ВА ОДАМЛАР КАЙФИЯТИДА ЯҚҚОЛ НАМОЁН БЎЛМОҚДА



***Тараққиётга интилган халқнинг тафаккури бамисоли қайнарбулоқ. Унинг ҳаётбахш қувватини зарур ўзанга солиш орқалигина жамият равнақи, эл фаровонлигига эришиш мумкинлиги асрлар давомида исботини топган.***

***Кейинги йилларда янги Ўзбекистонни барпо этиш юзасидан амалга оширилаётган катта кўламдаги бунёдкорлик ҳаракатининг маъно-мазмунида ҳам айни мақсад устувор ўрин тутгани кундек равшан. Онг ўзгаряпти, юрт янада обод бўлиб, одамларнинг ҳаётдан розилиги ортаётир. Бу, хусусан, кейинги йилларда Наманганда рўёбга чиқарилаётган эзгу ишлар мисолида ҳам кўзга яққол ташланади.***

**Бунёдкорлик**

### Исҳоқхон Ибратни қачон танидик?

Ўз юрти, замондошларини маърифатли кўришни истаган бу инсон яшаб ўтганига икки асрга яқин вақт ўтди. Исҳоқхон Жунайдулла ўғли Ибрат Намангангa, ўзи туғилиб ўсган Тўрақўрғонга илғор маданият, илм-фан ютуқларини олиб кириш учун дунё кезган чинакам юртпарвар эди. Бироқ кўп қиррали аждодимизнинг номи, эзгу ишлари, маънавий мероси узоқ йиллар бир четда қолиб келди. Яқин вақтгача ундан саноқлигина тарихчи олимлар воқиф бўлган, холос.

Ва ниҳоят, ушбу масалада адолат қарор топиб тарихий ҳақиқат юзага чиқди. Давлатимиз раҳбари 2016 йили наманганликлар билан сайловолди учрашувида вилоятнинг азиз инсонлари ҳақида сўз очаркан, Ибрат домланинг исмини тилга олиб, Тўрақўрғон шаҳрида унинг номидаги хиёбон ҳамда тил ўргатиш мактаби ташкил этиш таклифини илгари сурди.



➡ 4

Ўзбекистон Республикасининг

# ҚОНУНИ

## Божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш тўғрисидаги халқаро конвенцияга (Киото, 1973 йил 18 май, 1999 йил 26 июнда қабул қилинган ўзгартиришлар билан) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 4 декабрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2020 йил 19 декабрда маъқулланган

Божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш тўғрисидаги халқаро конвенцияга (Киото, 1973 йил 18 май, 1999 йил 26 июнда қабул қилинган ўзгартиришлар билан) қуйидаги қўшимча шарт билан қўшилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси Конвенциянинг барча иловалари ва бобларини қабул қилади, бундан «Е» Махсус иловасининг 3-боби (Товарларни каботаж ташиш) мустасно».

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 21 декабрь
№ ЎРҚ—654

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎНИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

# АХБОРОТ

2020 йил 19 декабрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Ялпи мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Мазкур ялпи мажлис иши Сенатнинг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари ҳамда “Узрепорт” телеканали орқали тўғридан-тўғри жонли эфирда намойиш этилди.

Дастлаб суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотлари замирида бўлган инсон ҳуқуқларини тўла-тўкис таъминланиши йўлида суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги, Жиноят-процессуал, Иқтисодий процессуал ҳамда Фуқаролик процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида бешта қонун муҳокама қилинди.

**(Давоми 2-бетда).**

**Акс садо**

## ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ ФАОЛ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

*Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлат раҳбарлари кенгашининг видеоанжуман шаклидаги мажлисида халқимиз фаровонлигини таъминлаш, минтақада янгича мулоқот муҳитини юзага келтириш бўйича стратегик таклифлар, ташаббуслар билдирилди.*

Алоҳида таъкидлаш керакки, ушбу олий даражадаги анжуманга Ўзбекистон биринчи марта раҳбарлик қилди. Мажлисда МДҲ доирасидаги ҳамкорликнинг ҳолати ва устувор йўналишлари кўриб чиқилди, шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш бўйича биргаликдаги режалар белгилаб олинди.

Президент Шавкат Мирзиёев ўз нутқида кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришга доир қатор таклифларни, ташаббусларни илгари сурди. Бу ташаббусларни МДҲ давлатлари раҳбарлари юқори баҳолади, уларнинг ижтимоий аҳамияти, амалга ошириш зарурати ҳақида қўлловчи фикрлар билдирилди.

Хусусан, бугунги шароитда мамлакатларимиз иқтисодиётлари, савдо ва кооперация алоқаларини жадал суръатларда қайта тиклаш устувор вазифа экани таъкидланди. Мавжуд муаммоларга қарамай, Ўзбекистоннинг МДҲга аъзо бошқа мамлакатлар билан товар айирбошлаши барқарор ўсиб бораётгани кузатилмоқда. Айрим шериклар билан савдо жорий йилда 20 фоиздан зиёдга кўпайди. Бу катта ютуқ ҳисобланади, шу билан бирга, улкан имкониятлар борлигини англатади, албатта.

➡ 3

## ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ БЕБАҲО НЕЪМАТ

*Мустақиллик — бировларга қарам бўлмаслик, ўз тараққиёт йўлини ўзи белгилаш саодати, энг улуғ неъмат. Шу боис истиқлолни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш ҳар бир инсон, ўзини ҳурмат қиладиган миллатнинг муқаддас бурчидир.*

Юртимизда мустақиллик қўлга киритилган тарихий сана ҳар йили катта шоду хуррамлик билан нишонланади. Сабаби айнан истиқлол туфайли миллатимиз ўзлигини англади, озод халқ, мустақил давлат сифатида ўзини бутун дунёга намоён қилиш имкониятини қўлга киритди. Жаҳон бизни таниди, энг муҳими, эркин ва фаровон келажагимизни ўз қўлимиз билан бунёд этиш ҳуқуқига эга бўлдик.

Мустақиллик берган имкониятлар тўғрисида узундан-узоқ гапиришимиз мумкин. Лекин шу билан бирга, босиб ўтилган машаққатли йўлга яна бир бор назар ташлаш, амалга оширилган ишлар, эришилган натижаларни холисона баҳолаш ва уларнинг мазмун-моҳиятини, аввало, ўзимиз англаб етишимиз, сўнгра кенг жамоатчиликка, ёшларга, бутун халқимизга етказишимиз лозим.

➡ 3

**Комиссия йиғилиши**

## ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИ НЕЧОҒЛИ ТАЪМИНЛАНЯПТИ?

*Кеча Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.*

*Йиғилишни Олий Мажлис Сенати Раиси, Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси раиси Танзила Норбоева олиб борди. Шунингдек, тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов иштирок этди.*

Тадбирда Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ва истиқболдаги вазифалар, Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш марказлари фаолиятини ўрганиш натижалари, қолаверса, комиссия ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари бирлашмасининг жорий йилги ишлари муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, юртимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, давлат бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш, улар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш борасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Жумладан, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама таъминлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Бугунги кунда бошқарув лавозимларидаги аёллар улуши 26,6 фоизга етди. Бундан ташқари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар орасида аёллар улуши 32 фоиз, Сенат ҳамда маҳаллий Кенгашларда эса қарийб 25 фоизни ташкил этди. Илгари бу кўрсаткичлар икки баробар кам бўлган.

➡ 3

## БУГУНГИ ИШ ТУТУМИМИЗ ҚАНЧАЛИК ЎЗИНИ ОҚЛАЯПТИ?

**МУЛОҲАЗА**

- **Бўстоннинг ўзида ишчи кучи етарли эмасми?**
- **Маҳсулотга хорижда харидор кўп.**
- **Шартнома шартларини ўз вақтида бажариш — бош мақсад.**
- **Аёллар ишлайдиган жойда қўнимсизлик ҳамиша долзарб...ми?**
- **Мажлисларга ёмон ўрганиб қолганмиз.**

“Best group Betlis Textile”нинг “Bo‘ston” трикотаж фабрикаси Зарбдор тумани Бўстон шаҳарчасидаги енгил конструкцияли биноси 2019 йили қурилиб, дастгоҳлар келтирилди ҳамда бир сменада иш ташкил этилиб, 560 киши фойдали меҳнатга жалб этилди.

“Best group Betlis Textile”нинг бош қароргоҳи Тошкентда. Шунингдек, унинг республикамиз бўйлаб 12 та филиали мавжуд. Бўстондаги фабрика шулардан бири. Фабрика раҳбари Шаҳин Ўрхоннинг айтишича, 2020 йилнинг ўзида Навоий вилоятининг Кармана туманида яна иккита филиал очилган. Режа бўйича Бўстонда ҳам яна бичув цехи, қўшимча 560 ўринли тикув цехи ташкил этиш имкони мавжуд. Бунинг учун барча ҳужжатлар тайёр, дастгоҳлар бор, аммо... Фабрикада 456 хотин-қиз ишламоқда. 104 ўринга ишчи етишмаяпти.



➡ 3

# ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИ НЕЧОҒЛИ ТАЪМИНЛАНЯПТИ?

1 Қолаверса, “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонунга асосан, барча вазирлик ва идораларда гендер тенглик масалалари бўйича маслаҳат кенгашлари фаолияти ташкил этилди.

Шу йилдан бошлаб давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ижтимоий ҳимояга муҳтож қизларнинг билим олиш имкониятлари янада кенгайтирилиб, олий таълим муассасаларига 4 фоизли давлат грантлари ажратилди. Мазкур янги тизим асосида 2020 йилда 950 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож қизлар ўқишга қабул қилинди.

Қайд этилганидек, жорий йилда Олий Мажлис Сенати, Касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал этиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича янги тизим яратилди. Унга асосан, ҳар бир туман ва шаҳар учун алоҳида “Йўл харитаси” тасдиқланиб, унинг ижроси доирасида оилавий ногиронлиги бўлган 4,7 мингдан зиёд аёлларга маиший техникалар олиб берилди.

Йиғилишда мазкур йўналишда ўз ечимини кутиб турган бир қатор муаммолар борлиги ҳам айтилди. Жумладан, хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар қониқарли эмас, оилавий ва хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш дастурлари доирасида ажратилган кредитларни мақсадсиз ишлатиш ҳолатлари ҳам мавжуд.

Мазкур масала юзасидан тегишли вазирликлар раҳбарлари ва маҳаллий ҳокимликлар масъулларининг ахбороти эшитилди.

Ўз навбатида, тадбирда Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш марказлари фаолиятини ўрганиш натижалари ҳам кенг муҳокама қилинди.

Сўнгги йилларда долзарб муаммо сифатида юзага чиққан хотин-қизларга нисбатан зўравонлик ҳолатларига чек қўйишга тизимли эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда алоҳида қонун қабул қилинди. Ҳимоя ордери, реабилитация марказлари (шелтерлар), “ишонч телефони”, “Нажот” мобиль иловалари каби аёллар билан мулоқот қилиш тизимлари яратилди. Шу йилнинг 25 ноябридан 10 декабрига қадар “Зўравонликка қарши 16 кун” кампанияси ўтказилди.

Иштирокчилар томонидан ушбу натижалар билан бирга соҳадаги мавжуд камчиликлар ҳам тилга олинди. Биргина жорий йилнинг 11 ойида ички ишлар органлари томонидан турли тазйиқ ва зўравонликларга учраган 11 минг 138 нафар хотин-қизга ҳимоя ордери берилгани бунинг яққол далилидир.

Сенатнинг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси Феруза Эшматова бу борада амалга оширилган ишлар юзасидан ахборот берди.

Шунингдек, комиссия ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ишлашнинг жорий йилда амалга оширган ишлари муҳокама қилинди. Шу масала юзасидан бирлашма раҳбари Д. Қобулова сўзга чиқди.

Йиғилишда аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

**2020 ЙИЛНИНГ ЎТГАН ДАВРИДА**

* **166,3 минг** нафар хотин-қиз доимий ишга жойлаштирилди,
* **31,1 минг нафари** касбга ўқитилди,
* **48,4 минг** ишсиз аёлларга ишсизлик нафақаси тайинланди,
* **224 мингдан ортиқ** хотин-қизларга жами **6,9 трлн. сўм** миқдорида имтиёзли кредитлар берилди.

# АҲОЛИ МУРОЖААТЛАРИ ЎЗ ЕЧИМИНИ ТОПМОҚДА

*Аввал хабар қилинганидек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ўз сайлов округларида бўлиб, аҳолини қийнаб келаётган газ, сув ва электр энергияси муаммоларининг амалий ечимини топиш, бу борада олиб борилаётган ишлардан аҳолини тўлақонли хабардор қилиш мақсадида очиқ мулоқотлар ўтказмоқда.*

## Халқ вакиллари — ҳудудларда

Парламент қуйи палатаси депутати Зуҳра Ибрагимованинг Беруний тумани аҳолиси билан учрашувлари ғоят қизғин кечди.

Мулоқот чоғида аҳоли томонидан туман марказидаги Бўстон маҳалласида бир неча йиллар олдин 750 хонадонга мўлжалланган “Ёшлик” туражой мажмуаси барпо этилганлиги, бугунги кунгача 500 дан зиёд хонадон эгалари бу ерга кўчиб ўтганлиги таъкидланди. Аммо гап шундаки, кўчиб ўтилганига ўн йилга яқин вақт бўлган бўлишига қарамасдан аҳоли ҳамон бу ерда ичимлик суви, газ ва электр энергияси йўқлигидан азият чекаётир, йиллар давомида мавзенинг бор йўғи 2-3 та кўчаси паст қувватдаги газ билан таъминланган, холос.

Мазкур масала юзасидан олиб борилган ўрганишлар натижасида муаммонинг ечими 2021 — 2023 йилги дастурга киритилганлиги аниқланиб, депутат томонидан уни келгуси йилнинг биринчи чорагида ҳал этиш юзасидан кўриладиган чора-тадбирлар бўйича маълумот берилди.

* * *

Фарғона тумани Халқ қабулхонасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Дилбар Мамажонова ҳамда масъул раҳбарлар иштирокида ташкил этилган мулоқотда аҳолини қийнаб келаётган ўнлаб муаммолар ечимини топди.

Туманнинг Саноат маҳалласида яшовчи Ирода Мўйдинованинг кўзи ожиз фарзандини даволатиш учун 30 миллион сўм маблағ зарурлиги билан боғлиқ мурожаати шу жойнинг ўзида пластик картасига пул ўтказиб бериш орқали ҳал этилди.

Шунингдек, туманда истиқомат қилувчи Мафтуна Саллаеванинг ногиронлиги бўлган фарзандига тренажёр велосипед, Муслима Маҳмудованинг моддий кўмак, Муҳиддин Марасуловнинг даволаниши учун ёрдам сўраб қилган мурожаатлари ҳам ижобий ҳал бўлди.

“Хуршиди Тобон” маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган учрашувда маҳалла аҳли ҳудуддаги сув минорасини таъмирлаш ҳамда Ризо, Ўзбек кўчаларини ичимлик суви билан таъминлаш масаласида ёрдам сўради. Мурожаат вилоятдаги мазкур соҳага дахлдор идоралар раҳбарлари иштирокида ўрганилиб, амалий кўмак бериладиган бўлди.

* * *

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Улуғбек Вафоев 60-Пайариқ сайлов округида ўз сайловчилари билан учрашувлар ўтказди.

Дастлаб 150 нафардан зиёд сайловчи иштирок этган учрашувда фуқаролар бир қатор муаммо ва таклифлар билан мурожаат қилди. Жомбой тумани ҳокими ва мутасадди ташкилотлар раҳбарлари иштирокида мурожаатларда кўтарилган муаммоларни ҳал этиш чоралари белгиланди.

Пайариқ туманидаги навбатдаги учрашувда ҳудуддаги истеъмол бозори, савдо шохобчаларидаги нарх-наво барқарорлиги, маҳсулотлар нархи сунъий оширилишининг олдини олиш бўйича маҳаллий ҳокимлик кўраётган чоралар назорат-таҳлил тартибида кўриб чиқилиб, тегишли кўрсатмалар берилди.

Депутат бугунги кунда аҳолини қийнаб келаётган газ, электр энергиясидаги муаммолар масаласига ҳам тўхталиб ўтди. Хусусан, соғлиқни сақлаш, халқ таълими ходимлари ҳамда маҳалла аҳолиси билан учрашувда бундай камчиликларни бартараф қилиш борасидаги таклифлар ўрганилди. 120 нафардан зиёд сайловчилар иштирок этган очиқ мулоқотда мактаб директорлари ва ўқитувчилар томонидан парламентда муҳокама этилаётган қонун лойиҳалари бўйича 50 га яқин таклифлар берилди.

* * *

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Одинахон Отахонова шаҳрихонлик сайловчилари билан мулоқотда бўлди.

— Биз пойтахтдан сайловчилар билан шунчаки учрашиш учун келганимиз йўқ. Асосий мақсад — жойларда тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этиш орқали ҳар бир инсоннинг ҳаётдан рози бўлиб яшашига эришиш, — дейди О. Отахонова. — Агар депутат халқ дарди билан ёниб яшаса, унинг муаммоларига ўзининг муаммоси сифатида қараса, хато ва камчиликлар камаяди, ҳудуд ривожланади.

Депутат Шаҳрихон туманининг бир қатор маҳаллаларида бўлиб, “темир дафтар”га киритилган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, боқувчисини йўқотган, ногиронлиги бўлган оилалар ҳолидан хабар олди. 19 та хонадонга зарур озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Уйма-уй юриб сайловчилар билан дилдан суҳбатлашди, тиббий кўрикка муҳтож фуқароларни тиббий кўрикдан ўтказиш ва зарур дори-дармон воситалари билан таъминлашга кўмаклашди.

Халқ вакили учрашувлар давомида “Шокирбой” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 17-умумтаълим мактабида ҳам бўлиб, таълим муассасининг қиш мавсумига тайёрлигини, ўқувчилар учун яратилган шароитлар ва ўқув биносининг ҳолатини ўрганди. Аниқланган муаммолар тегишли ташкилотлар билан биргаликда бартараф этилди. Ечими узоқ вақт талаб этадиган мурожаатлар бўйича тегишли ташкилотларга кўрсатмалар берилиб, ижроси назоратга олинди.

**«Халқ сўзи».**

# ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ ФАОЛ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

1 Саммит иштирокчилари самарали фаолияти, пухта тайёрланган таклиф, ташаббуслар, ҳамкорликни кучайтиришда долзарб аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлар, лойиҳалар учун Ўзбекистон томонига чуқур миннатдорлик билдирдилар. Ўзбекистон Президенти МДҲ доирасида ижтимоий-иқтисодий алоқаларни янги даражага олиб чиқиш, мамлакатлар ўртасида иқтисодий интеграцияни кучайтириш, меҳнат ҳуқуқлари имкониятлари ва кафолатлари юзасидан муҳим таклиф ва ташаббусларни илгари сурди.

Ҳозирги инқироз шароитида, дунёда мураккаб иқтисодий ҳолат бўлиб турган бир пайтда МДҲ давлатларининг ўзаро ҳамкорлиги ҳар томонлама аҳамиятлидир. Чунки ушбу давлатларнинг иқтисодиёти бир-бири билан боғланган, одамларда бир-бири билан тушуниш имконияти юқори, узоқ йиллар давомида шаклланган алоқалар бор. Табиийки, мустаҳкам алоқалар ва ишончли муносабатлар ҳудудларда ўзаро иқтисодий ҳамкорликни кучайтириш, манфаатли битимлар имзоланиши учун катта имконият беради. Шунинг учун давлатимиз раҳбари саноат кооперацияси бўйича комплекс дастур ишлаб чиқиш зарурлигини қайд этди.

Ҳақиқатан ҳам, саноат кооперацияси бўйича дастур ишлаб чиқиладиган бўлса, барча ҳудудларда сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконияти ортади. Шу мақсадда агросаноат, машинасозлик, электротехника, енгил ва озиқ-овқат саноати, фармацевтика ва бошқа устувор тармоқларда қўшма кластерлар ташкил этиш ташаббуси илгари сурилди, деб ўйлаймиз. Бу лойиҳа маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишда, барқарор иш ўринларини яратишда муҳим аҳамиятга эга.

Яна бир асосий масала. Сир эмаски, дунёнинг ривожланиши жараёнида меҳнат миграцияси бўлиши табиийдир. Бу жараёнга етарли шароит яратиш энг устувор масала бўлиб турибди. МДҲ мамлакатларининг Ҳамдўстлик давлатларида меҳнат фаолиятини олиб бораётган фуқароларини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш масаласи тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон раҳбари меҳнат мигрантлари ҳужжатларини ўзаро тан олишнинг ягона механизмини яратиш ва бу соҳада алоҳида дастур қабул қилиш вақти келганини қайд этди.

Очиғини айтиш керак, ҳозир мигрантларни ҳужжатлар, уларни расмийлаштириш билан боғлиқ масалалар қийнаяпти. Агар ўзаро ҳужжатларни тан олишнинг ягона механизми яратилса, мамлакатимиз ташкилоти томонидан берилган ҳужжат бошқа давлат ташкилоти томонидан ҳам тан олинади. Яъни меҳнат мигрантлари меҳнат ҳуқуқини амалга ошириш учун эмин-эркин ҳаракатланиб, бемалол ва бехавотир ишлаш имкониятига эга бўлади.

Парламент қуйи палатаси депутатлари жойларда сайлов округларида кўплаб учрашувлар ўтказмоқда. Аҳоли билан мулоқотлар давомида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳақида тушунтиришлар олиб борилияпти. Айтиш керакки, ислоҳотларга нисбатан одамларнинг кайфияти ижобий, улар Ўзбекистондаги кенг қамровли янгиланиш ва ўзгаришларни юқори баҳоламоқда, аҳамияти тўғрисида ўз фикрини билдиряпти.

Саммитда илгари сурилган ғоялар, ташаббуслар ҳам халқимиз томонидан мамнуният билан кутиб олинди. Айниқса, фарзандлари, яқинлари чет элда ишлаб юрган оилалар, ота-оналар миграция бўйича мураккаб ҳужжатлаштириш тизимининг соддалаштирилиши билан боғлиқ таклифларни хурсандчилик билан қабул қилди.

Умуман олганда, давлатимиз раҳбарининг МДҲ саммитидаги нутқи иқтисодий шериклар билан мустаҳкам алоқаларни йўлга қўйиш, мамлакатимиз ва халқимиз манфаатини ифода этган катта ислоҳотлар учун яна бир муҳим қадамдир.

**Улуғбек ИНОЯТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари,**
**ЎзХДП фракцияси раҳбари.**

# ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ БЕБАҲО НЕЪМАТ

1 Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида”ги қарори жуда кенг кўламли тадбирларни қамраб олган тарихий ҳужжат бўлди. Мазкур қарорда назарда тутилган ғоят улуғвор мақсад ва вазифалар ушбу қутлуғ санани давлатимиз ҳамда жамиятимизнинг бугунги тараққиёт даражаси, халқаро майдондаги обрў-эътиборига муносиб равишда юксак савияда кенг нишонлашга асос бўлади.

Ҳужжат билан Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш бўйича республика комиссияси ташкил этилиб, унга “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!” ғоясини ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий ҳамда тарғибот-ташвиқот тадбирлари дастурини тасдиқлаш вазифаси юкланди.

Тошкент шаҳрида “Истиқлол” мажмуасини ташкил қилиш ва у ерда мустақиллигимизнинг мазмун-моҳияти ва тарихий аҳамиятини акс эттирадиган ёдгорлик композициясини барпо қилиш, Тошкент шаҳрида бунёд этилаётган ер усти метро ҳалқа йўлини “Ўзбекистон мустақиллигининг ўттиз йиллиги” деб номлаш, ўтган даврда эришилган ютуқларга бағишланган “Янги Ўзбекистон” китоб-альбомини ҳамда ҳар бир соҳада амалга оширилган ислоҳотлар натижаларини ёритиб берувчи китоб-альбом ва тўпламларни нашр этиш белгиланди.

Қолаверса, маданият ва санъатнинг барча йўналишлари (мусиқа, театр, кино, тасвирий ва амалий санъат, цирк, халқ ижодиёти) бўйича республика миқёсида фестиваль, кўргазмаларни ташкил этиш, юртимиз мустақиллигини тараннум этадиган энг яхши қўшиқ ва мусиқа асарлари ҳамда тарихий, замонамиз қаҳрамонлари ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги пьесалар танловларини ташкил этиш ҳам аниқ кўрсатиб ўтилди.

Қарорда белгиланган вазифаларга масъулият билан ёндашиб, байрамни кўтаринки руҳда ўтказиш учун барча имкониятни ишга солиш ҳар биримизнинг вазифамиздир. Бу жараёнда биз, халқ вакиллари четда томошабин бўлиб эмас, ташаббускор сифатида фаол иштирок этишимиз лозим. Зеро, истиқлол ҳаммамиз учун энг улуғ, энг тотли неъматдир.

**Шерзод ТЎХТАШЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

## Кодекс лойиҳаси — муҳокамада

# ЕРЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ СОҲАСИДА САМАРАДОРЛИК ОРТАДИМИ?



*Ердан оқилона ва самарали фойдаланиш ҳаётий масала бўлиб, халқимиз яшаш тарзи, фаолияти ва фаровонлигини таъминлашнинг муҳим асоси сифатида долзарб аҳамиятга эга. Ерга оид ҳуқуқий муносабатларни янада такомиллаштириш бугунги кунда айни зарурат бўлиб, бу ўз навбатида, ердан илмий асосланган тарзда, мақсадли фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни, тупроқ унумдорлигини тиклаш, сақлаш ва оширишни, табиий муҳитни асраш ҳамда яхшилашни, хўжалик юритишнинг барча шаклларини тенг ҳуқуқлилик асосида ривожлантириш учун шароит яратишни, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишни назарда тутади.*

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида дастлабки тарзда муҳокама қилинаётган янги таҳрирдаги Ер кодекси лойиҳаси ана шу нуқтаи назардан ишлаб чиқилгани билан аҳамиятлидир. Айни пайтда лойиҳани такомиллаштириш юзасидан таклифлар ўрганилмоқда.

Бинобарин, ушбу ҳужжатда ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасида давлат назоратини кучайтириш, бу борада давлат назоратини амалга оширувчи ваколатли органлар — Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси, Давлат экология қўмитаси ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмалари ваколатлари, шунингдек, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилмоқда.

Президентимизнинг 2020 йил 7 сентябрдаги Фармонида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, назорат қилиш органларининг жавобгарлигини кучайтириш мақсадида кодекс лойиҳасида уларнинг вазифалари аниқ қилиб кўрсатилмоқда. Мисол учун, Кадастр агентлиги ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, Давлат экология қўмитаси ерларни муҳофаза қилиш, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси эса қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириши акс этмоқда.

Янги таҳрирдаги кодекс лойиҳасида ердан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида янги норма киритилмоқда. Шу билан бирга, ер мониторингини амалга оширувчи органлар вазифалари ҳам аниқлаштирилмоқда. Шу ўринда қайд этиш жоиз, ер мониторинги ер таркибидаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, ерларга баҳо бериш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини тугатиш учун ер фондининг ҳолатини кузатиб туриш тизимидан иборат.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Ер участкаларига бўлган мулкчилик тури, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган хусусий мулк ҳуқуқининг вужудга келиши ва унинг давлат томонидан ҳимоя қилиниши, ер участкасига бўлган ҳуқуқлар ва уларнинг бошқа шахсга ўтиши, ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ва улар билан боғлиқ битимлар, шунингдек, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни гаровга қўйиш, ҳуқуқ бўйича ворислик, ер участкаларини бериш (сотиш) ва уларни давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиби, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни чеклаш ҳамда юридик ва уларга бўлган ҳуқуқларни бекор қилиш билан боғлиқ нормалар кодекс лойиҳасида ўз аксини топяпти.

Ер участкаларига бўлган мулкчиликка оид моддада Ўзбекистон Республикасида ер участкалари давлат мулки ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг хусусий мулки бўлиши мумкинлиги белгилаб қўйилмоқда. Киритилаётган ўзгартишга кўра, давлат мулкидаги ер — давлат мулкидир, ундан оқилона ва самарали фойдаланиш зарур, у давлат томонидан муҳофаза этилади ҳамда айирбошланмайди, ҳадя этилмайди, гаровга қўйилмайди ва ўзгача усулда бошқа шахсга ўтказилмайди.

Шунингдек, давлат мулкидаги ерлар Вазирлар Маҳкамаси ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида юридик ва жисмоний шахсларга фойдаланиш учун берилиши белгиланмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 17 июндаги Фармони талаблари асосида кодекс лойиҳасига киритилаётган ўзгартишга кўра, юридик ва жисмоний шахслар қишлоқ хўжалигида фойдаланишдан чиқиб кетган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ҳамда ўрмон фонди ерларини ўзлаштириб фойдаланишга киритганда ушбу ерларни иккиламчи ижарага бериш ҳуқуқига эга бўладилар. Бу, ўз навбатида, ерлардан самарали ва оқилона фойдаланишга замин яратади.

Яна бир муҳим жиҳати, юқоридаги Фармон билан тегишли моддага ўзгартиш киритилмоқда. Яъни унга кўра, ер участкасидан муддатли (вақтинча) фойдаланиш ҳуқуқи белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан муддатли (вақтинча) фойдаланиш учун берилаётган ер участкаларида иморатлар ва иншоотлар қуриш тақиқланиши, деҳқон хўжалиги бошлиқлари ва томорқа ер участкаларининг мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилувчилари ҳамда ер участкасини муддатли (вақтинча) фойдаланишга олувчилари ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун тўлиқ жавобгар ҳисобланиши назарда тутиляпти.

Умуман, янги таҳрирдаги Ер кодекси лойиҳасининг қабул қилиниши орқали ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишга имконият яратилади, ерга бўлган мулкчиликнинг шаклланиши жадаллашади, ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасида давлат назорати кучаяди ва унинг самарадорлиги ортади. Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши, жумладан, ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, ваколатига кирмаган ерлардан бериш ҳолатларининг кескин камайишига эришилади, ер участкаларининг қонуний берилиши ёки сотилиши, ерларни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий томондан кафолатланиши таъминланади.

**Дилрабо ХОЛБОЕВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# БУГУНГИ ИШ ТУТУМИМИЗ ҚАНЧАЛИК ЎЗИНИ ОҚЛАЯПТИ?

1 — Сиз келиб фабрика очсангиз одам босиб кетади, Бўстоннинг ўзида ўн беш минг аҳоли яшайди, аёллар юз фоиз ишсиз, дейишган эди, — дейди куйинчаклик билан Ўрхонбей. — Аммо биз ҳозир одам ташиш учун тўққизта автобус ёллашга мажбур бўлдик. Автобуслар ҳатто етмиш беш километр масофадаги Ғаллаоролнинг Лалмикор қишлоғидан ҳам ишчиларимизни олиб келяпти. Тўққизта автобуснинг ҳар бирига ҳар куни 350 минг сўм нақд пул тўлашга мажбурман. Ҳолбуки, Бўстоннинг ўзидаги хотин-қизлардан фабрика иши ортмаслиги керак эди.

Фабрикада иш ҳақи янги ўрганувчилар учун 750 минг сўмдан кам эмас. Яхши, тажрибали тикувчилар эса 1 миллион 200 минг — 1,5 миллион сўм атрофида маош олади. Жами ишлаётган 456 кишининг ойлик маош жамғармаси 423 миллион сўмни ташкил қилади. Бу солиқлардан ташқари, қўлга тегадигани. Ҳар ойда жами 2,5 миллиард сўмлик енгил трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, 100 фоиз экспортга жўнатиляпти. Харидорлар, асосан, МДҲ давлатлари, шунингдек, Италия ва Европанинг бошқа мамлакатларидан. Беш йиллик саккизта шартнома мавжуд. Хом ашё эса Ўзбекистон пахтаси. Тикилаётган аёллар ва эркаклар кўйлаклари пешма-пеш олиб кетилмоқда. Тўғри, коронавирус пандемияси фабрикага ҳам анча панд берди. Натижада ёзги кийимлар учун берилган буюртмаларни ўз вақтида бажаришнинг иложи бўлмади. Ёз ўтиб кетгандан сўнг эса харидор ўз буюртмасини олишдан бош тортди.

— Агар, унча-мунча фабрика бўлганида бундай ҳолатда банкрот бўлиши аниқ эди, — сўзида давом этади Шаҳин Ўрхон. — Мен ҳамиша ишчи кучини сақлаб қолиш чораларини кўраман. Фабрика бюджети ёриқларини беркитиш учун ҳамма чораларни кўришим мумкин, аммо иш ҳақи жамғармасига тегмайман. Ходимларнинг иш ҳақи жамғармаси — фабрикани ушлаб қолишнинг асосий ўзаги. Қачонки ходим иш ҳақини ўз вақтида олиб турса, у ишини давом эттираверади, ишда узилиш бўлмайди. Натижада иқтисодий қийинчиликлар билинмай ўтиб кетади. Мана, ҳозир пандемия туфайли ўтмай қолган маҳсулотларимизга буюртма келди ва ҳаммаси яна ўз ўрнига тушяпти. Тўғри, аксарият ишчиларимиз ойлик иш ҳақи кам, дея бизни айблашади. Аммо ҳозирги имконимиз бундан ортиғини кўтармайди. Унча ойлик берамиз, бунча ойлик берамиз, дея қуруқ ваъдалар билан аёлларни ишга жалб қилишимиз ҳам мумкин. Лекин бу тахлит иш тутишнинг охири вой ва банкротлик. Шу сабабли ишга қабул қилинаётган ҳар бир ходимга аввал бошдан ўз шартларимизни тушунтирамиз. Эрталаб фабрикага ишга кираётган ходим қўл телефонини навбатчи қоровулга топшириши шарт. Бизда ўн битта бўлим бор, ҳар бир бўлимга биттадан тажрибали уста масъул ва фақат ана шу усталар қўлида телефон бор. Энг зарур ҳолларда тикувчи-ходимлар шуларнинг телефонидан фойдаланиши мумкин. Э, нимасини айтасиз, фабрикага телефони билан кирган тикувчидан фойда йўқ. Аммо... илож қанча, гарчи айрим қизлар, аёллар “телефонни олиб киргани қўймас экан, дам олгани қўймас экан”, дея бизни ёмонлаб, ишга киришдан қочса ҳам, шундай йўл тутишга мажбурмиз. Чунки биз Европа давлатлари билан шартнома тузганмиз, уни бажариш керак. Шу сабабли фабрикада ишлаётган ҳар бир ходимдан максимал даражада фойдаланамиз. Қай бир қишлоқдан ўндан зиёд қиз-аёллар ишга келса, автобус қўямиз. Уч-тўрт нафар қатнайдиган бўлса, уларнинг такси пулларини тўлаймиз. Фабриканинг ичига эрталаб соат саккизда кирган ходим кеч соат бешгача ҳеч ёққа чиқмай ишлайди. Ҳозирги қишли-изғиринли кунлари ҳам фабрика ичи иссиқ. Овқатларимиз сифатли. Бугун, масалан, ош тайёрланяпти. Хуллас, ходимнинг оладиган маоши юз фоиз ўзига, оиласига қолади. Йўл харажати, тушлик ва бошқа харажатлари — фабрика зиммасида.

> *Тушунганимиз шу бўлдики, Шаҳин Ўрхон — ҳақиқий бизнесмен, ишлаб чиқарувчи. Кўриниши ҳам, кийиниши ҳам оддий. Бизда-чи? Бизда бирон жойга раҳбар бўлган одам, энг аввало, кийимларини янгилайди, галстук тақади, виқор билан юришни ва гаплашишни истайди... Биз шундай яшаб, шундай ишлаб ўрганганмиз. Тепадаги ҳоким ёки юқори ташкилот ҳаммасини таъминлаб беришини кутиб ўтирамиз... Хуллас, иш юритиш тартибимиз эскирган, жудаям эскириб кетган.*

Хўш, унда муаммо нимада?

— Бизда 99 фоиз хотин-қизлар ишлайди. Бичиш, тикиш, дазмоллаш, тахлаш, экспортга тайёрлаш — барчаси улар зиммасида. Айнан шулар асосий муаммоимиз ҳам. Негаки, қизларни ишга оласан, олти, тўққиз ой давомида иш ўргатасан. Бунинг барчаси қўшимча меҳнат. Ишни тез ўрганадигани бор, қийналадигани бор, мутлақо уқувсизлари ҳам топилади. Хуллас, ишни ўргатганингдан сўнг бу қиз турмушга чиқиб кетади. Шу атрофга келин бўлса-ку яхши. Узоққа кетса, малакали даражага етказган мутахассиснинг ўрнига яна тўққиз ой давомида бошқасини тайёрлаш керак. Хуллас, кадрлар муаммосига дуч келяпмиз. Бу ёқда экспорт шартномалари кутиб турмайди.

Яқинда бир эркак келди, хотинимни чақириб беринглар, иш бор, олиб кетишим керак, дея тўполон қилди. “Балки у сенинг хотинингдир, лекин фабрикада у менинг ишчим. Иш вақти эса соат бешда тугайди. Бешдан кейин хотинингга эгалик қиласан, дея унинг шаштини қайтардим. Бунақа мисоллар жуда кўп.

Хуллас, аёллар ишлайдиган жойда қўнимсизлик масаласи долзарб ва бундай муаммолар ҳамиша бўлган, яна бўлаверади ҳам. Бунга кўникиш ва мослашиш талаб этилади.

Тушунганимиз шу бўлдики, Шаҳин Ўрхон — ҳақиқий бизнесмен, ишлаб чиқарувчи. Кўриниши ҳам, кийиниши ҳам оддий. Бизда-чи? Бизда бирон жойга раҳбар бўлган одам, энг аввало, кийимларини янгилайди, галстук тақади, виқор билан юришни ва гаплашишни истайди... Биз шундай яшаб, шундай ишлаб ўрганганмиз. Тепадаги ҳоким ёки юқори ташкилот ҳаммасини таъминлаб беришини кутиб ўтирамиз... Хуллас, иш юритиш тартибимиз эскирган, жудаям эскириб кетган.

Яна бир гап. Фабрика ҳисобчиси Баҳодир Тожибоев яқин кунларга қадар туман солиқ бўлимида ишлар эди.

— Ҳақиқий иш нима эканини шу фабрикага келгандан сўнг тушуниб етдим, — дейди Баҳодир. — Мажлис деган нарса йўқ. На фабрика ичида, на туман марказида. Югур-югур йўқ. Газ, сув, электр энергияси учун тўловлар, солиқлар тўхтовсиз онлайн тарзда тўлаб борилади. Банкка бориб, ишим битармикан, деб ўтирмайсиз. Ташкилотма-ташкилот югурмайсиз. Фақат ўтириб ишлашинг талаб этилади. Эрталаб соат саккиздан кеч соат бешгача. Кейин дамингни олавер.

Баҳодирнинг бу гапларида катта маъно бор. Бу нарсалар биз учун жудаям ноодатий. Биз уззукун мажлислардан бўшамаймиз. Кейин ўзимизни ишчан кўрсатиш мақсадида ярим тунгача ишлаган киши бўламиз. Ахир ярим тунгача ишда юрган одам эртаси куни қандай ишлайди?!

Хуллас, мажлисларга ёмон ўрганганмиз. Ҳатто мажлис ўтказмаслик тўғрисида яна мажлис қиламиз. Бизнес қиламан деган одамга эса мажлис керак эмас. Айниқса, Шаҳин Ўрхон сингари шахсий, хусусий бизнес қилаётганларга, беш юзлаб қиз-аёлларни иш билан, иш ҳақи билан, иш шароитлари билан таъминлашни истайдиганларнинг бошини мажлислар билан гаранг қилиш мутлақо мумкин эмас...

**Абулқосим МАМАРАСУЛОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

“Фан ва тараққиёт” ДУК жамоаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, кимё фанлари доктори, профессор
**Мирҳожи АСҚАРОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

“Фан ва тараққиёт” ДУК жамоаси корхонанинг раис муовини, техника фанлари номзоди
**Жўра ИСЛАМОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Наманган вилояти:

# ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲАЁТБАХШ ҚУДРАТИ

## ЮРТ ОБОДЛИГИ ВА ОДАМЛАР КАЙФИЯТИДА ЯҚҚОЛ НАМОЁН БЎЛМОҚДА



←1

Бу Ибратнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти, халқни маърифатга етаклаш йўлидаги эзгу ишларидан бутун мамлакатимиз аҳли тўла хабардор бўлиши, Тўрақўрғонга ташриф буюрадиган чет эллик меҳмонларни ҳам ана шундай буюк аждодимиз яшаб ўтганидан воқиф қилиш учун қўйилган амалий қадам бўлди.

Орадан уч баҳор ўтди. Бугун вилоят марказига ёндош Тўрақўрғонни таниб олиш осон эмас. Тезкорлик билан бунёд этилган "Исҳоқхон тўра Ибрат" меъморий мажмуаси, унга уйғун ҳолда қурилган иншоотлар шаҳар қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди. Ибратнинг нурли сиймоси акс эттирилган муҳташам ҳайкал, турфа ранг гуллар билан безанган хиёбон, мусиқали фаввора, шоир ғазалларидан намуналар, уч тилда ҳикматли сўзлари битилган айвон, тил ўргатиш мактаби, 1860 йилда қурилган ва яқинда таъмирдан чиқарилган музейдан иборат мажмуа бу ерга ташриф буюрган ҳар бир кишининг баҳридилини очади, олис тарих ҳамда бугунги кун уйғунлигидан мазмунли ҳикоя сўзлайди.

— Ибратнинг хотирасини абадийлаштириш йўлида бошланган хайрли ишлар Тўрақўрғонни янада обод қилиш тадбирлари билан изчил давом этмоқда, — дейди Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги туман бўлими бошлиғи Одилхон Хўжаев. — Бултур "Обод марказ" дастури доирасида рўёбга чиқарилган бунёдкорлик ишларидан сўнг шаҳримиз юртнинг энг кўркам масканларидан бирига айланди. Хорижий тилларга ихтисослаштирилган мактабда камол топаётган ёш авлод эса тил ўрганиш бобида алломa бобомизга муносиб фарзанд бўлиб етишяпти. Буни, жумладан, ўтган йили мактабни битирган 20 нафар йигит-қизнинг барчаси мамлакатимизнинг нуфузли олий ўқув юртлари талабасига айланганидан ҳам билиш мумкин.

### «Афсоналар водийси» — кучли бешликка кирган лойиҳа

Наманганни кўпчилик "гуллар шаҳри" сифатида яхши билади. Аслида, энг сара гул кўчатлари Бобур номли маданият ва истироҳат боғида жамланган. Яқин вақтгача бу жой одамлар бўш вақтида талпинадиган ягона кўнгилочар маскан эди. Энди шаҳарда истироҳат боғлари сони ҳам кўпайди.

Масалан, 155 гектар майдонда жойлашган "Афсоналар водийси" тематик истироҳат боғи каттаю кичикка бирдек ёқадиган гўша сифатида барпо қилиняпти. Уни қуриш ва жиҳозлашда ривожланган давлатлардаги шу сингари иншоотлардан андоза олинган.

Тарҳини Туркиянинг машҳур "Dome+Partners" компанияси чизиб берган. Ҳозирги кунга қадар бундай мажмуалар Америка Қўшма Штатлари, Япония сингари давлатларда фаолият кўрсатиб, Намангандаги лойиҳа мазкур йўналишдаги кучли бешликка киради.

"Наманган истиқлол боғи" масъулияти чекланган жамияти томонидан қурилаётган сайилгоҳ шаҳарнинг Ғирвонсой даҳасида жойлашган. Бу ҳудуд бежиз танланмаган. Ер сатҳидан бир оз пастроқда бўлганлиги учун ғир-ғир шабада эсиб туради. Бошқа истироҳат боғларидан фарқи — фаолияти кўп қиррали. Нафақат ҳордиқ чиқариш, балки савдо-харид, миллий ҳунармандчилик тарғиботи учун имкониятлар ҳам кўзда тутилган.

Аквапарк бўлимидаги 16 та сув ҳавзасида чўмилиш, 7 та аттракционда турли сув ўйинларидан баҳра олиш имконияти мавжуд. Бошқа турдаги ўйин қурилмалари ҳам ўзига хос мазмунга, дизайнга эга. Масалан, баландлиги 68 метрга кўтарилган мегадроп ҳам барчага бирдек манзур бўлиши табиий.

Боққа ташриф буюрган киши бу ерда харид эҳтиёжларини ҳам бемалол қондира олади. Замонавий дизайнда қурилган 280 та дўкон ҳамда "шопинг маркази"да кундалик эҳтиёж молларидан тортиб, кийим-кечак, электроника воситаларигача бор. Ҳунармандчилик маркази эса водийдаги халқ амалий санъати анъаналарини тарғиб қилишга мўлжалланган. Алоҳида кўргазма залига эга бўлимда "Устоз — шогирд" мактаби фаолият кўрсатади.

"Афсоналар водийси"нинг лойиҳа қиймати 123 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, уни тўлиқ фойдаланишга топшириш ижроси уч йилга мўлжалланган. Ҳозирги кунга қадар тематик парк, 2400 ўринли амфитеатр, аквапарк, замонавий шаршара ва мусиқали фаввора, учта ресторан, автотураргоҳ қуриб битказилди. Айни кунларда навбатдаги иншоотлар қурилиши жадал давом этяпти. 2022 йилга қадар 400 ўринли меҳмонхона, масжид, 110 та виллани ишга тушириш кўзда тутилган.

— Ёзнинг жазирама кунларида невараларимни боққа олиб келгандим, — дейди шаҳарнинг Гўзал даҳасида яшовчи Ҳайдарали Абсалимов. — Роса яйрашди. Бу сингари сайилгоҳни илгари телевизор ёки киноларда кўрардик. Ўзимизда ҳам қилса бўларкан-ку!.. Энди бу неъматларни асраб-авайлаш, уларни кўз қорачиғидек сақлаш, мудом шукроналик туйғуси билан яшаш бурчимиздир.

### Кичик ҳудуднинг катта имкониятлари

Ўз бизнесини йўлга қўйман, деган тадбиркорга нима керак? Энг аввало, узоқ йиллар наф берадиган пухта ғоя, агар у ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлса, етарли майдон, шароит ва эмин-эркин ишлаш учун имконият. Иштиёқ бўлса, у ёғини удалаша бўлади.

Тан олиш керак, Наманганда яқин вақтгача ушбу масалалар ечимида сусткашликлар кўзга ташланарди. Шаҳар ва туманларда қўлида сармояси бор, бир иши бошласа охирига етказишга кўзи етадиган минглаб ишбилармонларнинг ғоялари қатор муаммолар сабабли юраклар қатида сақланиб келди. Сарсонгарчиликдан зада бўлиб, қўл силтаб кетганлар қанча?!

Ҳолбуки, ҳар тугуннинг ечими бор. Юртимизда тадбиркорлик ҳаракатини тубдан ривожлантириш борасидаги амалий саъй-ҳаракатлар туфайли ушбу масалалар ҳам ечилди.

Жумладан, жойларда ишбилармонлик субъектларининг мужассам фаолиятини



Муҳаммад АМИН ва Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган суратлар.



йўлга қўйишга мўлжалланган зарур инфратузилмага эга кичик саноат зоналари ташкил этишга киришилгани вазиятдан чиқишнинг мақбул чораларидан бири бўлди, десак, муболаға эмас.

Ана шундай ҳудудлардан бири икки йил аввал вилоятда биринчилар қаторида Наманган шаҳридаги Орзу даҳасида иш бошлаганди. Сўнгра "Пахталикўл", жорий йил бошида эса "Юксалиш" кичик саноат зонаси истиқболли бизнес портфелига эга тадбиркорларни ўз бағрига чорлади.

— Биз ўз маҳсулотларимизни "Usmon Brothers" савдо белгиси билан сотувга чиқарамиз, — дейди "Замин кийим савдо" МЧЖ раҳбари Иззатилло Усмонов. — Қувватлар ортгач, дастлаб иш бошлаган фабрикамиз анча торлик қила бошлади. "Юксалиш"дан жой ажратилгандан сўнг, 24 миллиард сўм қийматидаги лойиҳани қисқа фурсатда ниҳоясига етказдик. Бу ердаги шарт-шароитлар жуда яхши. Янги ишлаб чиқариш биносига Япония, Италиядан келтирилган энг замонавий технологияни ўрнатганмиз. Йилига 10 миллиард сўмлик костюм-шим, куртка, пальто, аёллар устки кийимлари тикиш имконияти мавжуд. Ишловчилар сони бизнес режада кўрсатилганидек 400 нафарга етади.

Тадбиркорлар жамланган жойда рақобат кучаяди. Бусиз истеъмол бозорига кириб бориш ҳамда ундан муносиб ўрин эгаллаш мушкул. "Юксалиш"да амалга оширилаётган лойиҳа ташаббускорларининг аксарияти импорт ўрнини босадиган маҳсулот тайёрлаш йўлини танлагани ҳам шундан.

Масалан, "Art soft ceramics Holding" компанияси янги ишлаб чиқаришни ўзлаштириш орқали керамика буюмлари билан бозорга кириб боришни ният қилган. 117 гектар майдонда барпо этилган мазкур кичик саноат зонаси истеъмол бозорини тўлдириш, янги меҳнат ўринлари яратиш, экспорт амалиётларида фаол қатнашиш орзусидаги тадбиркорлар учун чинакам имкониятлар майдони бўлди.

Бугунги кунда бу ердаги ишлаб чиқариш майдонларида шифер, пўлатдан чексиз қувурлар, сув насослари, электр двигатель, момиқ сочиқ, трикотаж буюмлари ва бошқа импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрланмоқда.

— Айни кунда "Юксалиш" сингари кичик саноат ҳудудларидан 21 тасига 484 тадбиркор ўз лойиҳасини жойлаштирди, — дейди вилоят кичик саноат зоналарини бошқариш бўйича ягона дирекция директори Акмал Дадабоев. — Билсангиз, бу инсонларнинг ўзига ишончи баланд, давлат томонидан яратилаётган шарт-шароитни ҳам қадрлашади. Буни, масалан, барча лойиҳа учун талаб этиладиган маблағнинг катта қисмини ўз сармоялари ҳисобидан қоплаётганида ҳам кўриш мумкин. Яқинда вилоят туманларининг ҳар бирида 4-5 тадан кичик саноат зонаси очишга киришилди. Умуман, бугунги кунга қадар 67 та КСЗ ташкил этилиб, уларда мингга яқин истиқболли лойиҳалар ўрин олади. Бу 30 мингдан зиёд янги иш ўринлари очилади, дегани.

### Хорижий сармоя — тараққиётга доя

Вилоятда сармоявий муҳитнинг қулайлашиб бораётгани натижасида инвестициялар оқими ортяпти. Айни пайтда жойларда чет эл сармояси иштирокидаги 230 дан зиёд ҳамкорлик корхонаси фаолият кўрсатмоқда.

Айтиш керакки, ўтган йили 155 та лойиҳа бўйича 277,1 миллион АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестиция ўзлаштирилиб, соҳада сезиларли ўсишга эришилганди. Жорий йилнинг 11 ойи 191 лойиҳа асосида 355 миллион долларлик кўрсаткич билан якунланмоқда. Шунинг 270,1 миллион доллари тўғридан-тўғри сармоялар ҳиссасига тўғри келади. Йил охирига қадар 215 миллион доллар қийматдаги яна 15 та лойиҳа ишга туширилади.

Тўғридан-тўғри инвестиция билан кириб келаётган сармоядорлар орасида хорижда яшаб, юртимизда бизнесини йўлга қўйган ватандошларимиз борлиги эътиборга молик. Муҳими, юртимизда ташқи сармоянинг кафолатлангани уларнинг ишончини мустаҳкамлаяпти.

Масалан, саккиз йилдан буён Бирлашган Араб Амирликларида тадбиркорлик қилаётган Жобир Ҳамидов асли наманганлик. Ўзи туғилиб ўсган юртдаги ислоҳотларга бефарқ бўлмаган бу инсон вилоят марказида кичик ҳажмли юк автомобиллари ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга оширишга қарор қилди. Унинг 5,8 миллион АҚШ доллари сармояси билан ташкил этилган "Чангин авто сервис" масъулияти чекланган жамиятида дастлабки босқичда замонавий автомобиллар четдан олиб келинган бутловчи қисмлар ёрдамида йиғилади. Сўнгги уч йил ичида 60 фоиз маҳаллийлаштиришга эришиш кўзда тутилган.

Хориждаги ўзбек бизнесменлари билан ҳамкорлик бўйича бу сингари мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Мазкур йўналишда БАА, Россия, Хитой, шунингдек, Европанинг бир қатор давлатларидаги ватандошларимиз билан 63,6 миллион доллардан кўпроқ қийматда 17 та лойиҳа шакллантирилди.

Жорий йил ижросига киришилган лойиҳалар орасида Туркиянинг "Celik Energy LLC" компанияси ва вилоят "Тоза ҳудуд" МЧЖ ҳамкорлигидаги ноёб лойиҳа диққатни жалб этади. Хорижий сармоядор билан чиқиндиларни қайта ишлашни йўлга қўйиш учун 50 миллион доллар маблағ сарфлашга келишилди. Албатта, бу чакана пул эмас, сармоядор уни шерикларга ишонгани ҳамда мамлакатимиздаги инвестициявий жозибадорлик туфайли сарфлаяпти.

— Ўзбекистондаги инвестициявий сиёсат, айниқса, хорижий инвесторларга солиқ ва бошқа соҳаларда қатор енгилликлар берилгани диққатга сазовор, — дейди турк сармоядори Гоккан Хужук. — Масалан, киритилаётган сармоя 50 миллион доллардан ортса, юридик шахсларнинг фойдасидан олинадиган, шунингдек, мулк, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, ободонлаштириш солиқлари, республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалардан етти йилга озод қилинади. Бу муддат ичида фаолиятни бемалол йўлга қўйиб олиш мумкин бўлади.

Кейинги пайтларда вилоятга келаётган меҳмонлар орасида бизнес юритишни мақсад қилган хорижликлар кўпайиб бораётгани кузатилаётир. Икки томонлама манфаатли таклиф портфелига эга бўлган бундай кишиларга ҳамиша бир гап айтилади: Наманганда бизнес қилинг, барака топасиз!

### Шаҳар ичидаги «ақлли шаҳар»

Вилоят марказида ўн саккиз гектар майдонда "Namangan Square" номи остида "ақлли шаҳар" қурилиши бошланди, деган хабарлар матбуот ва интернет нашрлар, бошқа оммавий ахборот воситаларида тарқалганига бир йил бўлди. Бугунги кунда ҳудуднинг "ҳаво дарвозаси", яъни аэропорт яқинида жойлашган улкан қурилиш майдончасида бунёдкорлик ишлари қизғин кетаётганлигини кўриш мумкин.

"Ақлли шаҳар" деганлари қандай бўлади? Наманган вилояти архитектура ва қурилиш бошқармаси ходими, тажрибали меъмор Одилжон Қодиров бу ҳақда шундай дейди:

— Жаҳон миқёсида шаҳарсозлик анъаналарида ўзига хос инқилоб яратган бу тушунчанинг юзага келганига нисбатан кўп бўлгани йўқ. У ахборот ва коммуникация технологиялари тараққиёти ҳамда шу соҳадаги ютуқларнинг шаҳарсозликда кенг фойдалана бошланганлиги билан боғлиқ. Яъни АКТ ва интернет имкониятлари шаҳарни, айниқса, унинг инфратузилмасини замонавий усулларда бошқаришга йўл очади. Бу эса транспорт, таълимдан тортиб соғлиқни сақлаш ҳамда уй-жой коммунал хизматгача — ҳамма-ҳаммаси янада юқори ва мукаммал даражага кўтарилади, дегани. Шу боис аҳолининг турмуш фаровонлиги кескин ошади, уларнинг барча эҳтиёжи янада кўпроқ қондирилади.

Дарвоқе, Фарғона водийсида дастлабкиси ҳисобланган "Namangan Square"ни бунёд қилиш "MJ Developers" халқаро қурилиш компанияси томонидан амалга оширилаётганлигини айтиб ўтиш лозим. "Ақлли шаҳар" лойиҳаси машҳур ҳинд меъмори Ҳафиз Контрактор томонидан ишлаб чиқилган. Унинг эътиборли жиҳатидан бири шуки, илғор "яшил технология"лардан кенг фойдаланилган. Бу ерда нафақат яшаш ёки бизнес юритиш, балки дам олиш ҳамда спорт билан шуғулланиш учун барча шарт-шароит яратилади.

Лойиҳага кўра, "Namangan Square" 10 минг кишига мўлжалланган. Тураржойлар, асосан, беш ва тўққиз қаватли бўлади. Шаҳарча аҳолиси кенг, ёруғ ва шинам хонадонларда истиқомат қилади. Улардаги ҳарорат ҳам доим мўътадил — қишда илиқ, ёзда салқин бўлади. Марказда иккита "осмонўпар минора" — 20 қаватли эгизак бинолар ҳам қад ростлайди. Улар нафақат шаҳарчанинг, балки бутун Наманганнинг бунёдкорлик рамзига айланиши, шубҳасиз.

Дарвоқе, яқин вақт ичида фойдаланишга топшириладиган замонавий уй-жойлар сотувини ташкил этиш юзасидан ҳозирданоқ эълонлар тарқала бошлади. Кўпчилик бу ажойиб ҳудуддан ўзининг бўлажак хонадонини танлаб олиш ҳаракатига киришган...

Гап шу каби қурилишлар хусусида кетар экан, бугун одамларимиз ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар ҳақида ҳам айтиш ўринли. Муҳими, наманганликлар ҳам юртимизда амалга оширилаётган бундай бунёдкорлик ишлари уларнинг-да ҳаётини эртага эмас, бугун ўзгартираётганини ҳис қилмоқда.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ТАЛАБЧАН МУҲАРРИР, МЕҲРИБОН УСТОЗ

*Ўзбекистон халқ ёзувчиси Асқад Мухтор XX аср ўзбек адабиёти тарихидан муносиб ўрин олган адиблардан. Унинг шеърлари, романлари, қисса ва ҳикоялари, пьесалари, таржималари халқимизнинг маънавий мулкига айланган. Асқад Мухтор асарларида кўтарилган кўплаб муаммолар ҳамон долзарблигини йўқотгани йўқ, аксинча, янада кенг ёйилди. Биргина Орол фожиасини олайлик: Асқад Мухтор у муаммони баён қилганида Орол ҳали бу даражага тушмаган эди. Ўша пайтлардаги раҳбарият ёзувчи нидосига қулоқ осганида балки Оролимиз бу кўйга тушмасмиди... Бу ҳам бир армон-да...*

## Асқад Мухтор таваллудининг 100 йиллигига



Асқад Мухтор улкан ёзувчи, шоир, драматург, таржимон, адабиётшунос бўлиш билан бир қаторда, ниҳоятда талабчан, тўғрисўз, одил муҳаррир, бағрикенг, меҳрибон устоз, дўст эди. У кишининг "Шарқ юлдузи", "Гулистон" журналларига, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасига муҳаррирлик фаолияти бунга ёрқин мисолдир. Асқад Мухтор муҳаррирлик қилган йиллари ўқувчилар "Гулистон" журналининг ҳар бир сонини интиқиб кутар эди. Чунки журналда даврнинг энг долзарб муаммолари кўтарилган мақолалар, очерклар эълон қилинарди. Бинобарин, журнал материаллари учун — у шеърми, ҳикоями, очерк ёки мақолами — талаб, мезон битта эди: ўқишли, одамлар тилининг учида турган бирон-бир муаммо кўтарилган бўлмоғи керак. Бош муҳаррир муаллифнинг кимлигига, яъни унвони, лавозими, ёши, тажрибасига аҳамият бермас эди. Талаб ҳамма учун бир хил эди.

Асқад Мухтордаги ана шу принцип у "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасига раҳбарлик қилганида ҳам давом этди.

1981 йилнинг мартида "Ўзбекистон маданияти" газетаси "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" номи билан ҳафталик газетага айлантирилди. Асқад Мухтор янги ҳафталикка бош муҳаррир этиб тайинланди. У вақтларда саккиз саҳифали, рангли газетани чиқариш осон эмасди. Ўзбекистонда бундай газета ҳам, бунинг учун етарли тажриба ҳам йўқ, босмахона имкониятлари ҳам чекланган эди. Шу боис газетанинг илк сонини тайёрлаш учун қарийб бир ой тайёргарлик кўрилди. Мен у пайтда таҳририятда оддий мухбир бўлиб ишлар эдим. Асқад ака бош муҳаррир бўлиб келгач, менга масъул котиб вазифасини топширди.

Газетанинг илк сонини тайёрлашда кўп ўйландик, хўп маслаҳатлашдик. Бериладиган материалларнинг мазмуни, қайси муаллифлар иштирок этиши, қанақа суратлар берилиши, техник ижроси — қисқаси, ҳар бир икир-чикиргача бош қотирдик. Ва буларнинг ҳаммасига Асқад ака бевосита бош-қош бўлди, ғоялар берди, таклифлар айтди, ҳатто макетнинг хомаки лойиҳасини ҳам ўзи чизиб берганди.

Ўша пайтларда Москванинг "Литературная газета"си жуда машҳур, унга обуна бўлиш учун ташкилотларга лимит ажратилар, киоскалардан эса устама ҳақ бериб сотиб олинар эди. Шу боис Асқад ака бизга ўша газетадан ўрганишимиз лозимлигини айтарди. Аммо "Литературная газета"дан нусха кўчирмайлик, ундан ижодий фойдаланайлик, дерди. Шундай бўлди ҳам. Масалан, саҳифаларнинг номланиши ("Ижтимоий ҳаёт", "Назм", "Наср", "Танқид ва адабиётшунослик", "Санъат" каби), охирги саҳифага дам олиш саҳифаси сифатида енгил, кулгили, ҳажвий асарлар жойлаштирилгани, суратларнинг йирик шаклда берилиши шулар жумласидан. Саккизинчи саҳифанинг "Шум боланинг чойхонаси" деб номланишини ҳам Асқад аканинг ўзи топган эди.

Афсуски, Асқад ака билан жуда кам, атиги бир ярим йил ишладик, холос. Аммо ана шу қисқа вақтда у кишидан жуда кўп нарса ўргандик. Чунки Асқад Мухтор билан ишлашнинг ўзи бир мактаб, таъбир жоиз бўлса, дорилфунун эди. Асқад акадан қандай ишлашни, таҳрирни, материалларни саралашни, муомалани, камтарликни, айни чоғда ўз қадр-қимматини ерга урмасликни, ёзишни — қўйингки, ҳамма нарсани ўрганиш мумкин эди.

Материални таҳрир қилиш жараёнида ҳеч кимни аямасди. Лекин ҳеч қачон бировнинг асари ёхуд мақоласини ўз услубига, яъни қолипига солмас, муаллифнинг услубини сақлаб қолиш керак, дер эди. Газета манфаатини, демакки, ўқувчи манфаатини ҳамма нарсадан устун қўярди. У киши учун муаллифнинг кимлиги, қаерда ишлашининг аҳамияти йўқ эди. Мезон битта: яхши асар, яхши мақола бўлса, бас. Масъул идораларда ишлайдиган баъзи ижодкорларнинг асарларини бир неча марта қайтариб бергани эсимда.

Билмадим, балки шулар туфайлидир ёки бошқа сабаблардир, ҳарқалай газета тўғрисида турли-туман қарашлар, катта-кичик йиғилишларда танқидий фикрлар, очиқроқ айтсак, тирноқ остидан кир қидиришлар пайдо бўла бошлади. Бу фикрларнинг кўпчилиги асоссиз эди, албатта. Бундан биринчи галда Асқад ака эзиларди, аммо ҳеч кимга билдирмасликка ҳаракат қиларди. Устоз бировдан ранжиса, хафа бўлса ёки жаҳли чиқса, одатда ичига ютарди, унинг ҳолатини қиёфасидан сезардик, қизариб кетарди.

Бора-бора майда-чуйда гапларга Асқад аканинг бардоши чидамади: вазифасидан озод қилишларини сўраб ариза ёзди. Лекин аризаси инобатга олинмади. Маълум муддат ўтгач, яна ёзди, сўнгра тағин ёзди.

Кечагидай эсимда: бир куни Асқад ака Марказқўмдан жуда хурсанд қайтди. Кейин билсак, у Шароф Рашидов қабулига кирган, "Ёшим анчага бориб қолди, ижод қилишга вақтим қолмаяпти, ёшлар ишласин", деб илтимос қилган экан.

Асқад ака ҳеч кимнинг устидан шикоят ёки арз-дод қилмаган. Ҳолбуки, бу гаплар қаердан, кимдан чиқаётганини, гарчи тўлиқ ва аниқ бўлмаса-да, асосан билар эди. Ш. Рашидов Асқад акани ҳурмат қиларди. Шунданми, у кишининг фикрларини тўғри тушуниб, илтимосини қабул қилган экан.

Асқад ака билан бирга ишлаш жараёнида бир нарсага эътибор берганман. У киши доимо ўйчан, камгап эди. Бунинг сабабини ўзимча шундай тушунаман: Асқад ака улкан ижодкор ва шахс сифатида совет тузуми сиёсатининг кўпгина жиҳатларидан кўнгли тўлмасди. У киши бир қанча хорижий мамлакатларга борган, у ерлардаги сўз ва фикр эркинлиги, матбуот эркинлигини, турмуш даражасининг юқорилигини кўрган эди. Бу ҳақда гоҳида ҳавас, гоҳида ачиниш билан гапирарди. Фикрлар хилма-хиллиги, сўз ва матбуот эркинлиги бўлмаган жойда қанақа тараққиёт бўлади, деб куйинарди. Ўзаро суҳбатларда кўп таъкидларди: "Воқеаларга одам бефарқ бўлмаслиги керак. Нотўғри бўлса, нега бундай, деб сўраш керак. Афсуски, нега, деб сўрайдиган одам кам... Сизлар ёшсизлар, раҳбар айтган топшириқни бажаришдан олдин ўйлаб кўринглар: тўғрими-нотўғрими? Чунки ҳар бир одамнинг ўз фикри, қараши бўлмоғи керак. Кўр-кўрона ишга киришиш, инсон боласи, хусусан, зиёли, ижодкор учун ярашмайди".

Демак, Асқад акада ички бир туғён, айтиш мумкинки, исён бор эди. Лекин мустабид тузум ўз дардини, фикрини ифода қилишга имкон бермасди. Шунга қарамасдан, Асқад Мухтор ўз қарашларини, фикрларини асарларида, гарчи образлар, рамзлар орқали, гоҳо қаҳрамонлари тилидан бўлса-да, ифода қила олган.

*Адолатни ҳеч ким қилмас садақа,*
*Ҳар қадаминг талафотли жанг.*
*Хатодан, сабоқдан манглайинг чақа,*
*Ҳансираб оёқда турасан аранг.*

Асқад ака ёшларга ниҳоятда меҳрибон, айни вақтда талабчан эди. Бирон-бир ёш ижодкорнинг асарида (хоҳ шеър, хоҳ наср бўлсин) йилт этган учқун кўрса, уни қўллаб-қувватлар эди. Бунга ўзим кўп бор гувоҳ бўлганман. Шу вақт ичида кўплаб ёш ижодкорларни кашф қилди у киши. Бошқача айтганда, ўнлаб ёш шоир ва ёзувчиларнинг илк асарларини "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида эълон қилдирган. Асқад аканинг бу ғамхўрлиги, бу марҳамати улар учун қанот эди, албатта. Зеро, у пайтда мазкур газетада шеърлари ёхуд ҳикояси эълон қилиниши наинки ёш қаламкашлар, балки таниқли ижодкорлар учун ҳам шараф ҳисобланар эди. Чунки Асқад Мухтордай талабчан устознинг назаридан ўтказиш осон эмасди-да. Шу маънода айтиш мумкинки, кўплаб устозлар шогирдлар тайёрлаган бўлса, Асқад Мухтор шахслар — адабий шахслар тайёрлади.

Асқад ака ғоят меҳнаткаш эди. У киши умр бўйи турли масъул лавозимларда ишлади, шунга қарамай, ўнлаб роману қиссалар, достону пьесалар, шеърлар, таржималар, мақолалар қолдирди.

У кишини охирги марта вафотидан уч-тўрт ой олдин шифохонада кўрган эдим. Анча суҳбатлашиб ўтирдик. Аҳволи бирмунча оғир, гапириши ҳам қийинлашиб қолган эди. Ўша ҳолатда ҳам бир нарсадан ўксинди: "ёзолмаяпман, ишлаёлмаяпман", деди.

Очиғи, бу гапни эшитиб, мен ўзимдан ўзим уялиб кетдим: у кишидан анча ёшман, соғлиғим ҳам, Худога шукр, яхши. Аммо деярли ёзмай қўйганман. Сабаби иш кўп, вақт йўқ. Аслида бу сабаб эмас, баҳона, дангасаликни бекитиш учун ўйлаб топилган баҳона, холос.

Бу жиҳатдан ҳам Асқад ака кўпчиликка ўрнак, намуна эди...

Асқад ака наинки шогирдлари, балки ҳамкасбларига ҳам меҳрибон эди.

Камина "Ўзбекистон маданияти", кейин "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси таҳририятида шоир Ёнғин Мирзо билан ишлаганман. У киши кўплаб шоир ва ёзувчиларимиз қатори Сталин қатағонларини бошидан кечирган эди. Суҳбатларимизнинг бирида Асқад Мухтор ҳақида гап кетиб, бир воқеани айтиб берган эди. У кишининг айтишича, Ёнғин Мирзо қамоқда бўлган йиллари унинг уйига кимдир тез-тез у-бу нарса келтириб берар экан. Уйидагилар буларни ким бериб юборди, деб сўраса, билмайман, деб кўздан тезда ғойиб бўлар экан. Ёнғин Мирзо қамоқдан қайтганидан кейин уйидагилардан бу гапни эшитиб, ҳайрон бўлибди. Ким юрак ютиб бу хайрли ишни қилган бўлиши мумкин? У пайтларда ҳибсга олинганларнинг уйига бориш ҳам хавфли бўлган. "Орадан анча йиллар ўтиб, Хрушчев "илиқлиги" юзага келгач, орқаваротдан билдимки, бу ишни Асқад Мухтор қилган экан... Бир суҳбатда ўзига айтсам, "қўяверинг, у кунлар ўтганига шукр қилинг, деди" деб эслаган эди Ёнғин Мирзо.

Ҳа, Асқад Мухтор ижоди ва амалий фаолияти бир хил адиб-инсон эди. У киши кимга қандай яхшилик қилганини ҳеч ким билмайди, ўзи эса бу ҳақда сира оғиз очмас, баъзиларга ўхшаб арзимаган яхшилигини миннат қилиб юрмас эди.

**Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1256. 29 828 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

· МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.25 Топширилди — 23.10 1 2 3 4 5 6